

ТАНИЕВА Гулдона Мамановна

*Низомий номидаги Тошкент давлат
педагогика университети профессор в.б,
тарих фанлари доктори (DSc)
e-mail: guldona1970@mail.ru*

БАҲОУДДИН НАҚШБАНД ҲАЁТИ ВА ТАРИҚАТИДА ҲАЖГА БОҒЛИҚ ЖИҲАТЛАР ХУСУСИДА

ОБ АСПЕКТАХ, СВЯЗАННЫХ С ХАДЖЕМ, В ЖИЗНИ И УЧЕНИИ БАХАУДДИНА НАКШБАНДИ

ON THE ASPECTS RELATED TO THE HAJJ IN THE LIFE OF BAHOUDDIN NAQSHBAND AND HIS SUFI SECT

Аннотация. Мақолада Нақшбандийлик тариқати асосчиси Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёти, фаолияти ва унинг тариқатида ҳажга доир масалалар хусусида фикр юритилган. Муаалиф бунинг учун турли бирламчи манбалардаги маълумотлардан фойдаланган ва илмий адабиётлардаги хулосаларга ўз муносабатини билдирган. Мақоладаги илмий хулосалар Баҳоуддин Нақшбандийнинг ҳаёти, нақшбандийлик тариқати тарихи, тариқатнинг умуминсоний ғояларининг асл моҳияти ва ҳаж зиёратининг маҳаллий мусулмонлар ҳаётидаги ўрни каби масалаларни янада кенгроқ ўрганиш учун хизмат қилади.

Таянч сўзлар: *Баҳоуддин Нақибанд, Марказий Осиё, ҳаж, тасаввуф, зиёрат, тариқат, Бухоро*

Аннотация. Данная статья посвящена исследованию роли паломничества хадж в формировании духовной практики последователей Бахауддина Накшбанди. На основе анализа его биографии и трудов, а также изучения исторических источников, автор выявляет ключевые аспекты нақшбандийской интерпретации хаджа. Исследование позволяет понять, как паломничество соотносится с такими фундаментальными

понятиями нақшбандийского суфизма, как самопознание, духовное совершенствование и служение Богу.

Ключевые слова: *Бахауддин Накибанд, Средняя Азия, хадж, суфизм, паломничество, тариқат, Бухара.*

Annotation. The article examines the Life and work of Bahauddin Naqshband, the founder of the Sufi Sect Naqshbandiya, as well as issues related to the Hajj pilgrimage in his Sect. For this, the author used information from various primary sources and expressed his scientific opinion on the findings in the scientific literature. The scientific findings of the article serve for a broader study of such issues as the life of Bahauddin Naqshband, the History of the Naqshbandi Sect, the true nature of the universal ideas of the sect Naqshbandi and the role of the Hajj pilgrimage in the lives of local Muslims.

Keywords: *Bahauddin Naqshband, Central Asia, Hajj, Sufism, pilgrimage, Sect, Bukhara.*

КИРИШ

XVI–XIX асрнинг ўрталарида Марказий Осиё халқлари ҳаётининг барча соҳаларида ислом дини, хусусан, унинг суннийлик йўналиши ғоялари ва тасаввуф таълимотидаги устувор қарашлар жуда муҳим ўринни эгаллаган. Шу ва бошқа омиллар таъсирида Марказий Осиёда муқаддас қабрларни зиёрат қилиш одати барча тоифа ва табақадаги мусулмонлар орасида кенг ёйилган. Ислом динида шахсга сиғиниш гуноҳ бўлиб, лекин охиротни эслаб туриш мақсадида қабрларни зиёрат қилиш мумкин бўлган амаллардан саналади [14:129]. Аммо қабрлар зиёрат қилинганда уларда дафн этилганлар рухидан мадад сўраш, хожатларининг раво келтирилишини сўраш жоиз ҳисобланмайди. Шундай бўлса-да, Марказий Осиёда бундай жойлар касалликлардан шифо топиш, урушларда ғолиб бўлиш, фарзанд сўраш каби турли мақсадларда зиёрат қилинган. Инсон ўз гуноҳларини тан олиб, ўзига нисбатан Аллоҳга яқинроқ бўлган деб билган авлиёларнинг қабрларини зиёрат қилиб, худога ёлворар

экан, гўёки Аллоҳ ўша авлиёлар ҳаққи ҳурмати унинг дуоларини ижобат қилади, деб ишонилган. Васида деб аталган бундай эътиқодда Аллоҳдан бирор ҳожатининг ижобатини сўраган банди ўзи билан Худо ўртасида бирорта авлиёни восита қилган [12:272].

АСОСИЙ ҚИСМ

Бу ҳолат мусулмонларнинг тасаввуф тариқатлари шайхларини авлиё сифатида кўриб, уларнинг ғоялари ортида эргашиши билан ҳам боғлиқ. Хусусан, Марказий Осиёда кенг ёйилган нақшбандийлик тариқати асосчиси Баҳоуддин Нақшбанднинг “Муқаддас қабрларини кўз билан кўриб, зиёрат қилишдан таъсир кўп” [2:99] деб айтгани ҳақида далиллар мавжуд.

Суфийлик тариқатларида бажариш талаб этилган зикр, хилват (ёки чилла), робита (муриднинг руҳан ўз пири ва унинг воситасида Оллоҳнинг ҳузурида эканлигини ҳис қилиши), сайру-сулук (нафси енгилуш учун руҳий саёҳат) каби амалий вазифалар қаторида яна саёҳат (ҳижрат) қилиш, яъни жисмонан саёҳат қилиш ҳам муҳим саналган. Тасаввуфда саёҳат Оллоҳ яратган гўзалликларни кўриб, ибрат олиш, вужуд ва қалб саломатлигига эришиш, ориф, олимларга яқинлашиш, муршид излаб топиш, Байт ул-Ҳарам, Байт ул-Мақдиси зиёрат қилиш, такка (хонақоҳ) ларни зиёрат қилиш каби мақсадларда амалга оширилиши айтилади [12:89]. Суфийларнинг руҳий-маънавий камолоти учун сафар қилиш энг маъқул ажру-риёзат турларидан саналган [7:35; 10:22].

Шунингдек, тасаввуф таълимотида инсон табиати бир-бирига қарама-қарши бўлган икки унсур – моддийлик ва руҳдан таркиб топган, кимнинг табиатида моддийлик устун бўлса, унинг руҳиятида ҳайвоний хусусиятлар ривожланади, агар руҳ ғалаба қилса, унда илоҳий жиҳатлар камол топади, деб талқин

қилинади. Шунинг учун *биринчидан*, ҳаж сафарларидаги жисмоний қийинчиликлар суфийлар учун руҳнинг тарбия топиши ва камолотга етишишда асосий воситалардан бири саналган. *Иккинчидан*, улар сафар давомида йирик шайхлардан илм ўрганган. Шу аснода ўз суҳбатлари, мушоҳадлари ва чиниққан жисмоний иродалари билан ҳам бошқа мусулмонларнинг маънавий, руҳий камол топиши учун катта таъсир ўтказган. Шу боис суфийлар халқ орасида “сайёҳун”лар деб ҳам аталган. Марказий Осиёда кенг ёйилган кубровия тариқатида ҳам суфийларнинг авлиёлар мазорлари ва мақбараларини зиёрат қилиш, шайхлар ҳузурига ташриф буюриш ва дарвиш чидам бардошини амалда синаш каби учта мақсадда қилган саёҳати тўғри саналган [3:24]. Ҳаж сафари эса ҳар учала мақсад учун мос ва афзал саналган.

Кўплаб суфийлар мусулмон мамлакатларини пиёда кезиб чиққан. Айниқса, ҳаж сафарини пиёда амалга ошириш суфий учун жуда катта шараф ҳисобланган. Тарихий асарларда Хожа Юсуф Ҳамадонийнинг (вафоти 1140–1141) 38 марта пиёда ҳаж қилгани, Ҳазрати Маҳдумнинг “кўп марта пиёда” ҳаж сафарини амалга оширгани ҳақида маълумотлар берилган [1:49-50; 15:79]. Шунингдек, Манбалардан маълумки, Имом Исмоил ал-Бухорий (810-870), Қафқал аш-Шоший (903-976), Носир Ҳисрав, Абулқосим Маҳмуд ибн Умар Замахшарий (1074-1144) Баҳоуддин Нақшбанд (1318-1389), Муҳаммад Порсо (1348-1420), Неъматуллоҳ ибн Саййид Абдуллоҳ Кирмоний (1330–1431), Абдурахмон Жомий (1414-1492) ва бошқа кўплаб алломалар илм олиш учун сафарга чиқиб, бир неча бор ҳаж сафарларини ҳам амалга оширган [15:269; 1:49-50; 15:48-191].

Марказий Осиёнинг Макка шаҳридан жуда узокда жойлашгани учун ҳажни амалга ошириш аксарият мусулмонлар учун имконсиз бўлган. Шу боисдан минтақада ҳаж билан боғлиқ алоҳида зиёратгоҳлар вужудга

келган, ёки айрим мавжуд зиёратгоҳлар ҳаж билан боғлиқ хусусиятларга эга бўлган. Хусусан, нақшбандийлик тариқати асосчиси Баҳоуддин Нақшбанднинг (1318-1389) қабри асрлар давомида ҳам маҳаллий, ҳам хорижий мусулмонлар томонидан ана шундай муқаддас жой сифатида зиёрат қилиниб келинган. Асли исми шарифи Муҳаммад бинни Муҳаммад Баҳоуддин ан-Нақшбанд ал-Бухорий (кўпроқ Баҳоуддин ёки Хожа Баҳоуддин, Балоғардон, Хўжаи Бузрук, Шоҳи Нақшбанд номлари билан машҳур) бўлган, машҳур авлиё Баҳоуддин Нақшбанднинг ҳаёти ва таълимотида ҳаж масаласи муҳим ўрин тутди.

Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёти давомида 1370 ва 1388 йилларда Марв-Сарахс-Бағдод йўли билан икки марта ҳаж сафарини амалга оширади [3:27-28]. Сафарлари давомида Марв, Ҳирот, Сарахс, Майхон, Мозандарон, Бағдод каби йирик ислом оламининг йирик маданият марказларида бўлиб, Хожа Мувйяд, Сайфиддин Абҳарий, Зайниддин Абу Бакр Тойбодий каби уламова шайхлар билан суҳбатлашиб, илмини оширган, ўзгаларга илм берган [4:98]. Нақшбандийлик тариқати Баҳоуддин Нақшбанд ҳаётлигидаёқ кенг шуҳрат қозонди. Бу тариқатга фақатгина оддий халқ эмас, балки Бухоро ва Самарқанд уламолари, Амир Темур авлодидан бўлган шоҳ ва шаҳзодалар кира бошладилар. Ҳатто Абдурахмон Жомийнинг “Нафаҳат ул-унс” асарида, Алишер Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат” асарларидаги алоҳида боблар Баҳоуддин Нақшбандга бағишлаб ёзилган. Муҳаммад Порсо, Яъқуб Чархий, Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али унга атаб алоҳида асарлар ёзган.

XV асрдаёқ Нақшбандия Эрон, Афғонистон, Миср, Ҳижоз, Шимолий Кавказ, Туркияга тарқала бошлади. Айниқса, Хожа Аҳрор валий фаолияти туфайли нақшбандийлик тариқатининг обрў-эътибори яна ҳам ошди. Нақшбандия XVI асрда Бобо валий, Хожа Боқибиллоҳ (1563-1603),

Аҳмад Сирҳиндий (1564-1624) фаолияти туфайли Ҳиндистонга тарқалди, XVI-XVII асрларда Эроннинг Нишопур, Исфажон, Язд шаҳарларига, шулар орқали Фаластин, Ироқ, Иорданияда кўплаб тарафдорларга эга бўлган. Ҳиндистон орқали у Индонезия, Малайзия, Цейлонга тарқалди. Кейинги асрларда Россия, Босния ва бошқа Европа мамлакатларига ёйилган. Ҳозирги кунда АҚШ, Канада, Австрия давлатларида Нақшбандия марказлари, хонақоҳлари, жамғармалари мавжуд. Нақшбандия тариқатида маънавий камолот, ботиний поклик каби умуминсоний ғояларнинг тарғиб этиши унинг дунёда кенг тарқалишига сабаб бўлди ва ҳозирдакун сайин ортиб бораётган мухлисларининг сони бир неча миллионни ташкил этмоқда.

Макка, Мадинада суфийликни биринчи тарғиб қилувчилар Хожа Аҳрор Вали муридлари бўлган, улардан бири Мавлоно Исмоил Ширвоний (вафоти 1527 ёки 1535 й.) ҳажга бориб, тахминан 30 йилча Маккада мужовир бўлиб яшаб қолган. Шунингдек, Хўжа Аҳрорнинг икки муриди – мулла Абдуллоҳ Илоҳий (вафоти 1490й.) ва шайх Амир Аҳмад Бухорий (вафоти 1516й.) лар Истанбулга келган биринчи нақшбандия тариқати вакиллари саналган, айнан Амир Аҳмад Бухорий фаолияти туфайли бу шаҳарда дастлабки нақшбандийлар таккалари (хонақоҳлар) вужудга келган. Нақшбандийликнинг ўзга юрт мусулмонлари орасида кенг ёйилишида Марказий Осиёлик нақшбандий шайхлар томонидан ислом оламининг Бағдод, Дамашқ, Истамбул, Қоҳира, Жидда Макка, Мадина каби йирик маданият марказларида бунёд этилган таккалар фаолияти жуда катта ўрин тутган. Бу масканларда кўплаб олимлар, шайхлар ва шоирлар ўртасида илмий, диний, фалсафий мавзуларда суҳбат, маърузалар ташкил этилган.

Баҳоуддин Нақшбанд, унинг шогирди Муҳаммад Порсолар икки карра амалга оширган ҳаж сафарлари давомида йўл-йўлакай

илм ўрганиш билан бирга нақшбандийлик ғояларини ҳам мусулмонлар орасида кенг ёйишга ҳаракат қилган [15:19;3:29]. Баҳоуддин Нақшбанднинг “... икки бор ҳаж сафарига бордик, кўп мамлакатларни кўрдик ва кўп жойларда бўлдик. Агар Мавлоно Орифдек (Дегароний (Г.Т.) ... кишини топганимизда у ерлардан қайтиб келмасдик” [16:19], – деб айтган сўзлари унинг ҳаж сафарлари вақтида ўз илми камолоти учун ҳаракат қиланидан далолат беради.

Ҳатто Баҳоуддин Нақшбандийнинг қабрини ҳаж сафари олдидан зиёрат қилиш урфга айланган. XIX асрда А.Вамбери Марказий Осиёга саёҳати давомида аҳоли билан суҳбат жараёнида “Туркистонда иккита қалъа мавжуд, бири навқирон Бухорони ҳар доим ҳимоя қилувчи бизнинг тупроғимизда ором топган кўплаб авлиёлар, иккинчиси эса уни ўраб турган бепоён чўллардир” - деган жумлани эшитгани ҳақида ёзиб қолдирган” [5:301].

Демак, халқ орасида «Балогардон» (яъни дуо билан балоқазони даф қилувчи) унвони билан ҳам машҳур бўлган Баҳоуддин Нақшбанднинг муқаддас мазори душман ҳужумидан, турли офатлардан ҳимоя қилишига қаттиқ ишонилган ва бу уларнинг урф-одатларига, эътиқодига сингиб кетган. 1888 йилда Қўқондан Маккага йўл олган Мирза Олим Маҳдум ҳожи Шохи Зиндадаги Қусам ибн Аббос (р.а)нинг қабри, Амир Кулол макбараси қаторида Баҳоуддин Нақшбанд мазорини ҳам зиёрат қилиб ўтади [9:157а]. Ҳафтада бир маротаба зиёрат қилиш одат бўлган бу зиёратгоҳга бир неча мис танга эвазига элтиб қўйиш учун Бухоронинг Дарвозаи Мозор дарвозаси ёнида 300 дан ортиқ киракашлар ўз эшак ва отлари билан тизилиб турган. Бу зиёратгоҳ ёнида ҳозирда ҳам Киракаш номи билан юритиладиган кишлоқ мавжуд. 1830 йилга доир П.И.Демезон ва И.В.Виткевичларнинг элчилик ҳисоботида бу мазор зиёрати ҳар сешанба кунлари гавжум

бўлгани, Бухоро дарвозаси ёнида тўпланган киракашлар йўловчиларни 50-60 дақиқада манзилга етказгани ҳақида ёзилган. Уларнинг Оренбургдан Бухорога келаётган карвон қозоқ улуслари ҳудудидан ўтаётганида қозоқ султони Темур улардан Баҳоуддин Нақшбанд қабрини унинг номидан ҳам зиёрат қилишни илтимос қилган [6:62-63]. Демак, бу зиёратгоҳ нафақат маҳаллий, балки кўшни ҳудудларда яшаган мусулмонлар учун ҳам муқаддас саналган.

А.Вамбери ўз хотираларида Баҳоуддин Нақшбанд “қабри олдидан кўплаб қўй суяклари билан бирга эски супурги ҳам ётарди, бу супурги билан қачонлардир Каъба биноти супурилган”, – деган жумлани ёзиб қолдирган. XIX аср 80-йилларида эса сайёҳ В.В.Крестовский ҳам Баҳоуддин Нақшбанднинг нафақат Бухорода, балки бутун Марказий Осиёда машҳур бўлгани, унинг қабрини 3 маротаба зиёрат қилишлик мусулмон учун Каъба зиёрати ўрнини босиши ҳақида халқ орасида эшитгани ҳақида ёзган [8:384]. Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси беш аср мобайнида шаклланган. Баҳоуддин Нақшбанд қабри олдигаги турли бинолар қад кўтарган. Баҳоуддин Нақшбанд вафотларидан кўп ўтмай ҳазрат мақбараларининг ғарбий томонида қабристон ҳам пайдо бўлиб, унда ҳазратнинг муридлари дафн қилина бошлаган. Кейинчалик бу ерда Бухоронинг ҳукмрон сулола вакиллари дафн қилинадиган —Дахмайи шохон ташкил топган.

XV аср охирида Баҳоуддин Нақшбанд қабрлари устига дахма қурилган, у мармар қоплама ва нақшинкор мармар панжара билан ўралган. XVI аср биринчи ярмида шайбоний Абдулазизхон (1540-1590) буйруғи билан қабр атрофи ҳазира билан ўраб олинади, унинг шимолий-ғарбий бурчагида эса 1545 йилда хонақоҳ бунёд қилинган. Абдулазизхон қурдирган хонақоҳ биноти суфа устида жойлашган. Унинг бурчакларида икки қаватли ҳужралар мавжуд.

Ҳазиранинг шимол томонида эса ҳовуз бунёд этилган. Ҳазиранинг фақат ғарбий бош пештоқи сақланиб қолган. Пешток чуқур бўлмаган равоқсимон тоқчалардан ташкил топган баланд ғиштин девордан иборат. Унинг жанубий ва шарқий деворлари бўйлаб Баҳоуддин Нақшбанднинг кўплаб қариндошлари қабри жойлашган. XIX асрда ҳазира шимолга қараб кенгайди. Бу даврда ёғочдан Музаффархон (1860-1885) ва Абдулҳаким Қушбеги масжидлари қурилди.

Хулоса қилиб айтганда, ўрта асрларда тасаввуф ғояларининг, хусусан, нақшбандийликнинг *Марказий Осиё* жамияти маънавий ҳаётидаги таъсири шунчалик кучли бўлганки, йирик шайх ва эшонлар ҳузурига тез-тез ташриф буюриш, улардан фотиҳа олиш, шайхлар қабрини муқаддас билиш ва зиёрат қилиб, улар руҳидан мадад сўраш каби суфиёна урф-одатлар жамият ҳаётига сингиб кетган. Бугунги кунгача халқ орасида сақланиб келаётган муқаддас жойлар зиёратининг тарғиботи ўрта асрларда норасмий равишда шайхлар (эшонлар), маддоҳлар, рисолачилар томонидан афсона, ривоят, ашула тарзида доимий равишда амалга оширилган. Демак, улар ўз фаолияти билан муқаддас зиёратгоҳларнинг гавжумлигини таъминлаган.

ХУЛОСА

Ислом оламида кенг ёйилган ва бугунги кунгача ҳам яшаб келаётган нақшбандийлик таълимотида ва унинг асосчиси Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёти, фаолиятида жуда кўп ҳажга боғлиқ бўлган жиҳатлар мавжуд. Бу авваломбор кўплаб нақшбандий шайхларининг муридлари ҳамроҳлигида ҳаж сафарларини амалга оширгани, таълимотида ҳаж сафарига ундовчи ғоялар мавжудлигида кўринади. Шунингдек, нақшбандийликда таркидунёчилик билан

эмас, қалбда Аллоҳни зикр этиб, қўл меҳнатда бўлган ҳаёт тарзини тарғиб қилиниши натижасида ҳаж зиёратчиларининг ҳам сони ортади. Бу ғоя жуда кўплаб дарвишлар, ўрта ҳол мусулмонларнинг етарли сармояга эга бўлмай туриб ҳам узоқ давом этадиган ҳаж сафарлари харажатларини йўл давомида меҳнат қилиб топиши учун туртки берган. Бу таълимот асосчиси Баҳоуддин Нақшбанд қабри эса нафақат турли мушкулотларни енгади, деб ишонишган, балки барча катта ишлар олдидан, хусусан, машаққатли ҳаж сафарларидан олдин зиёрат қилиниши лозим бўлган муқаддас масканга айланган. Аммо Советлар давлатида дин, муқаддас жойлар зиёрати, нақшбандийлик ҳам таъқиқланди, ҳаж сафарларига эса бутун иттифокдан йилда бор-йўғи 10-15 нафар мусулмон бориш имконига эга эди. Бу ҳолат асрлар давомида халқнинг онги-шуурига синган тасаввуф ғояларининг, зиёрат анъаналарининг бироз унитилишига сабаб бўлди. Мустақиллик халқимизга тасаввуфнинг йирик намоёндалари ҳаёти ва фаолиятини, уларнинг ахлокий-фалсафий ғоялари замиридаги асл моҳиятни, муқаддас қабрлар зиёрати анъанасининг тарихий-назарий илдизлари масаласини чуқур ўрганиш имконини берди.

Фойдаланилган Адабиётлар рўйхати:

1. Абулаббос Муҳаммад Толиб ибн Тожиддин Ҳасанхожа ал-Ҳусайний ас-Сиддикий. Матлаб ут-толибин / Таржимонлар Ғ.Каримий, Э.Миркомитов. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2016.
2. Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Баҳоуддин Балогардон / Форс тилидан тарж.. сўзбоши ва луғат муаллифи Маҳмудхон Маҳдум Ҳасанхон Маҳдум ўғли. – Тошкент: Ёзувчи, 1993.
3. Algar Hamid. Tariqat and Tariq: Central

Asian Naqshbandis on the Roads to the Haramayn // Central Asian Pilgrims Hajj Routes and Pious Visits between Central Asia and the Hijaz / Edited by Alexandre Papas, Thomas Welsford, Thierry Zarcone. – Berlin: Klaus Schwarz Verlag GmbH, 2011.

4. Асророва Л. Тариқатнинг етти пири. – Тошкент: Тафаккур, 2021.

5. Вамбери А. Путешествие по Средней Азии. – М.: Восточная литература, 2003.

6. Демезон П.И., Виткевич И.В. Записки о Бухарском ханстве (Отчеты П.И. Демезона и И.В. Виткевича). – М.: Главная редакция восточной литературы, 1983.

7. Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. 1-китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1996.

8. Крестовский В.В. В гостях у эмира Бухарского. – СПб., 1887.

9. Мирза Олим Махдум хожи. Дар баёни роҳи ҳаж / Ўз Р ФА ШИ. Қўлёзма. Инв. – № 9373/ III. – 157а-варақ.

10. Таниева Г.М. XVI-XIX аср ўрталарида ҳаж зиёратининг Ўрта Осиё халқлари маънавий, мафкуравий ва ижтимоий ҳаётида тутган ўрни: тарих фан.док. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2022.

11. Тожибоев Б. Қабр зиёрати ва васила // Имом ал-Бухорий сабоқлари, 2013. – № 4, – Б. 271-272.

12. Турар Усмон. Тасаввуф тарихи / Турк тилидан Н.Ҳасан таржимаси. – Тошкент: Истиклол, 1999.

13. Фахруддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил ҳаёт (Оби ҳаёт томчилари) / Худойберган ибн Бекмуҳаммад таржимаси. Нашрга тайёрловчилар М.Ҳасаний, Б.Умрзок. – Тошкент, 2004

14. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Олтин силсила. Саҳихул Бухорий. 3-жуз. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф ва таржимонлар гуруҳи. – Тошкент: Nilol-nashr, 2021.

15. Ҳожи Исматуллоҳ Абдуллоҳ. Марказий Осиёда ислом маданияти. Тошкент. Шарқ, 2005.

16. Ҳусайн Сарахсий. Маноқиби Саъдийа / Сўзбоши, форс-тожик тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи Ҳ.Тўраев. – Бухоро, 2007.

